O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTBXONASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
17 OKTABR
PAYSHANBA
№ 129 (26.988)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

БУНЁДКОРЛИК ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ — ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-15 октябрь кунлари жойларда ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида бўлди.

Юксак маънавият инсонни улуғлайди, халқни буюк мақсадлар йўлида бирлаштиради. Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ фаолиятимиз учун дастуриламал бўлган бу ҳақиқат бугунги кунда тўла рўёбга чиқмоқда. Бой миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, улуғ аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг буюк меросини ўрганиш борасидаги эзгу амалларимиз ўз самарасини бермоқда.

Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримовнинг ўз сафарини Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари каби буюк зотларнинг ёдгорликларини зиёрат этишдан бошлагани замирида ҳам ана шундай боқий қадриятларимизга бўлган юксак эҳтиром мужассамдир.

Ул зотларнинг халқларварлик руҳидаги амаллари ва инсонни комилликка чорловчи ўгитларининг тарбиявий аҳамияти бугунги кунда ҳам беқиёсдир. Нақшбандия тариқати асосчиси бўлган ватандошларимизнинг «Даст ба кору дил ба ёр» («Қўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин») деган ҳикматли сўзлари аҳли инсонни диёнатга ва ҳалол меҳнатга даъват этади.

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланган ва ул зотнинг қаровсиз, хароба бўлиб ётган қадамжоси таъмирланиб, катта ободончилик ишлари амалга оширилган эди.

Бироқ, Президентимиз сафар чоғида таъкидлаганидек, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлигини янада обод қилиш, тубдан таъмирлаш ва кенгайтириш зарур.

Сўнгги йилларда ўз қўлимиз, ўз салоҳиятимиз билан обод этилган Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Мотуридий ҳазратларининг мақбаралари бугунги кунда бутун дунё мусулмонларининг муқаддас зиёратгоҳларига айланди. Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг ёдгорликларини ҳам ўшандай юксак даражада таъмирлаш ва ободонлаштириш зарур, деди Президентимиз.

Келгуси йили Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ғиждувон шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Албатта, бу ишларнинг марказида Хожаи Калон шарафига сазовор бўлган Абдулхолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуи туради. Зиёрат чоғида Ислом Каримов бу қадамжони ҳам обод қилиш, ҳазратнинг қабри ёнида Мирзо Улуғбек бунёд этган масжид-мадрасани таъмирлаш ва зиёратчилар учун қулай шароит яратиш зарурлигини таъкидлади. Хусусан, ҳазрат ва ул зотнинг онаси осойиш топган жой (бу икки қабр ёнма-ён) атрофини ободонлаштириш борасида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдирди. Бундай муқаддас қадамжоларни обод қилиш фуқароларимизнинг кўнглини янада равшан этади, деди давлатимиз раҳбари.

Ислом Каримов ҳар икки зиёратгоҳни обод қилиш борасида махсус комиссия тузиш ва унинг таркибига уламолар, олимлар ва мутахассисларни киритиш зарурлигини таъкидлади. Чунки бундай муқаддас қадамжоларнинг диний, меъморий, тарихий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай зиёратгоҳларни ободонлаштириш муқаддас динимизга бўлган покиза эътиқодимизни янада мустаҳкамлаш билан бирга юксак тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Негаки, эзгу ва савоб ишлар пок, иймонли авлодни тарбиялашга беқиёс ҳисса қўшади.

Бу йил дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйи кенг нишонланади. Юбилей муносабати билан шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ислом Каримов қадим Кешнинг соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи майдонида бўлди.

Давлатимиз раҳбари буюк соҳибқирон маданият, маърифат, бунёдкорликка алоҳида эътибор бергани, ҳар ишда етти ўлчаб бир кесиб қарор чиқарганини қайд этар экан, унинг фаолиятини ҳар бир юртдошимиз теран ўрганиши зарурлигини таъкидлади.

Ислом Каримов шаҳардаги Доруттиловат ёдгорлик мажмуида Шайх Шамсиддин Кулол, Доруссаодат ёдгорлик мажмуида Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбараларини зиёрат қилди. Ривоят қилишларича, саркарда бобомиз Жаҳонгир Мирзо мақбараси қурилишини охирига етказмай тўхтатган. Ниҳоясига етмаган гумбаз ёш шаҳзода умрининг бевақт хазон бўлганини эслатиб туриши керак эди.

Президентимизнинг меҳнат аҳли билан курган самимий суҳбатларига кўп гувоҳ бўлганмиз. Қаршида бунёд этилган ажойиб хиёбон олдида ҳам шундай мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари одамларнинг кундалик турмуши, яшаш шароити, муаммолари билан қизиқди.

Қашқадарё вилоятида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляпти, деди Ислом Каримов. Бундан кўнглимиз ўсиши турган гап. Бироқ катта элнинг ўзига яраша муаммолари ҳам бўлади. Бу муаммоларни биз биргаликда, албатта, ечамиз. Энг асосийси, мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Ислом Каримов Қарши туманидаги «Бешкент» элита уруғчилик хўжалигининг Содиқ Мирзаев бошчилик қилаётган оилавий пудратчилар бригадаси даласида бўлди.

26 гектар ерда деҳқончилик қилаётган оилавий пудратчилар пахтадан юқори ҳосил кўтарди. Ҳозирнинг ўзидаёқ олинган соф даромад 7,5 миллион сўмдан ошди.

(Давоми 2-бетда)

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан 18-20 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан музокара ва бошқа тадбирлар ўтказилиши, шунингдек, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига сафар уюштирилиши режалаштирилмоқда.

ТАШРИФ АРАФАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ: ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАВЕРАДИ



Йигирманчи асрнинг бошида, аниқроғи, биринчи жаҳон урушидан кейин, давлатлар ўртасидаги можароларни бартараф этиш мақсадида Миллатлар лигаси таъсис этилган эди. Лекин у тинчликни соғинган олам аҳлининг нажот қалъасига айлана олмади. Охир-оқибат Лига ўз ўрнини бошқа халқаро ташкилотларга бўшатиб берди. Шу зайлда 1945 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солинди.

Жаҳондаги энг нуфузли ташкилот мақомини олган БМТ фаолият кўрсата бошлаган йили унга 51 давлат аъзо бўлди. Ҳозир эса 191 мамлакатни бирлаштириб турибди. 2002 йилнинг сентябрида қабул қилинган Швейцария ва Шарқий Тимор ташкилотнинг энг кенжа аъзолари саналади. Таъкидлаш жоизки, БМТ ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида ер юзидаги барча мамлакатларни қамраб олди. Унинг сафига қўшилиш давлат мустақиллиги эътирофини англатувчи омиллардан бирига айланди.

Истиқлолга эришган Ўзбекистон ҳам 1992 йилнинг 2 мартидан эътиборан БМТнинг аъзоси. Ватанимиз тарихи, халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган ўша кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси байроғи мазкур ташкилотнинг бош қароргоҳи олдида ҳилпираб турибди.

Шу ўринда, бевосита Ўзбекистон ва БМТнинг кенг миқёсдаги ҳамкорлик алоқаларига тўхталмоқ жоиз. Бундай фаол ва илиқ муносабатнинг шаклланишида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган одил ва изчил сиёсат муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг талай дунёвий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ таклиф ва ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида сўзлаган нутқларида кўтарилган оламшумул масалалар жаҳон ҳамжамияти томонидан жуда катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

Афғонистондаги воқеалар мисолида дунё тинчлиги ва хавфсизлигига раҳна солаётган террорчилик офати ҳақида гапирар экан, Ислом Каримов бундай ҳодисалар ер юзининг исталган нуқтасида турли кўринишларда содир бўлиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган эди. Кейинчалик АҚШда юз берган 11 сентябрь фожиаси ёхуд куни кеча Индонезиянинг Бали оролида содир этилган қўпорувчилик Президентимизнинг бир неча йил аввал башорат қилиб айтган террор миллат ҳам, худуд ҳам танламайди, деган фикрини яна бир исботлади.

Давлатимиз раҳбарининг минтақа хавфсизлиги, айниқса, Афғонистон муаммосини ҳал этишдаги таклиф ва ташаббуслари БМТ шафеълигида «6+2» гуруҳи ташкил этилишига асос бўлди. Гуруҳнинг 1999 йили Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида эса Афғонистондаги муҳолиф томонлар илк бор бир даврага тўпланди. Мазкур йиғин якунида қабул қилинган «Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент декларациясига БМТ Бош ассамблеяси узоқ муддатга мўлжалланган сиёсий ҳужжат мақомини берди.

Президент Ислом Каримовнинг БМТ «Мингйиллик саммити»да сўзлаган нутқи халқаро ҳамжамият томонидан қизғин қарши олинди. Зеро, унда долзарб дунёвий муаммолар очиб берилиши билан бирга, яна янги ташаббуслар ўртага ташланган эди. Бу таклифлар, аввало, БМТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун Хавфсизлик Кенгашини кенгайтириш билан боғлиқ бўлди:

«Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш даркор. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга мувофиқ. Биринчи қадам сифатида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаётган Германия ва Японияни киритишни таклиф қиламан».

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг фаолияти билан боғлиқ яна бир ташаббусни алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Бу мазкур органнинг мавқеи ва масъулиятини кўтариш масаласидир. Кўзда тутилаётган жиҳат шуки, қуролли можароларнинг олдини олиш учун Хавфсизлик Кенгаши ўта кескин чоралар қўллаш, хусусан, «тинчликка мажбур қилиш» деб аталувчи механизмни ишга солиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Зикр этилган мисоллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон — БМТ ҳамкорлиги кенг миқёсда ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. БМТ ташкил этилганига 57 йил тўлиши арафасида ушбу халқаро нуфузли ташкилот Бош котиби Кофи Аннаннинг мамлакатимизга ташриф буюриши эса бундай алоқалар янги, янада юқори босқичга кўтарилишидан дарак беради.

■ **Озод РАЖАБОВ,**
ЎзА шарҳловчиси

АРМОН

Бир дўстим дер эди: — Гарчи қорним тўқ,
Бир инсон умрини яшадим тўлиқ.
Кўрдим бойликни ҳам, мартабани ҳам,
Лекин ўз уйимда кун кўрганим йўқ.

Абдулла ОРИПОВ
2002 йил, 12 октябрь.

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Оналаримиз дуоси оламни тутиб туради. Кўзларимиз тийранлиги, тилларимиз бийронлиги, қадамимиз шахдамлиги онажонларимиз туфайлидир. Онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди.

Оналаримиз нигоҳларида шукроналик бор: осойишта ҳаётимизга, сокин сарҳадларимизга, озодлигимизга, бир бурда беминнат нонга.

✧✧✧

Суратда: пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги иккинчи Чимбой маҳалласида истиқомат қилаётган табаррук онахон Холида Юсупова фарзанд ва набиралари даврасида.

■ **Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат**

ЭРТАГА — САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ

САМАРҚАНД САЙҚАЛИ...

Тошкентдан тикилдим Самарқанд сари,
Кўзим олди жаннат манзаралари.
Регистону Шоҳи Зинда кўринди,
Кўнглим тортди Обираҳмат кавсари.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР...

Ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд тупроғига — она шаҳрим остонасига қадам қўяр эканман, бугун юксак эврилишлар юз очаётган, шаҳарда бетимсол бунёдкорликлар рўй бераётган, миллий ўзликни англаш кучаяётганини кўриб қувондим.

Самарқандни кезар эканман, муқаддас масканлар, муборак қадамжолар бугун чиндан-да, обод бўлганлигига гувоҳ бўлдим. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ётган муқаддас масканни зиёрат айлаб, унинг улуғвор ҳайкали қошида бош эгиб, Алишер Навоий ҳазратлари даҳосига таъзим қилиб, барҳаёт руҳларини шод этдим. Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий қабрида Қуръон тиловат қилдим. Кўҳна Регистон мадрасаи олиялари — Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Бибихоним мадрасаси, Шоҳи Зинда, Амир Темур мақбаралари жилоланиб шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий зиёратгоҳи одамларнинг қадами узилмайдиган муқаддас манзилгоҳга айланди. Бугун бу кўҳна ва навқирон заминда жойлашган ва иккинчи Каъба номини олган Хартанг қишлоғидаги Хожа Исмоил ал-Бухорий манзилгоҳи етти иқлимдан келаётган одамлар учун зиёратгоҳ бўлиб қолган. Бундай муқаддас масканлар Самарқанд тупроғини яна азиз ва табаррук қилиб турибди.

Ватан менга муқаддас:
Самарқанду Кенагас.
Тошкенту Андижондек,
Ўзбекистон бўлса, бас!

Одамларнинг айтишича, кейинги пайтда Самарқандда азиз авлиёларимиз, улуғ салафларимиз, буюк алломаларимиз, табаррук зотларимизга катта эътибор берилиб, юксак иззатикром кўрсатилмоқда. Бу, хусусан, менга жуда чуқур маънони англатди. Негаки, азал-азалдан маърифат аҳлини, олиму шоирини, муҳандису меъморини, бастакору рассомини, алқисса, зиёлисини улуғлаган халқ асло кам бўлмаган. Самарқандда бугун бундай хайрли саъй-ҳаракатлар таҳсинга сазовор бўлмоқда. Жумладан, вилоят ҳокимининг қарори билан халқ бахшиси, достонсароси Фозил Йўлдош ўғлининг 130 йиллиги кенг нишонланиши, улуғ аллома, академик Воҳид Абдулло таваллудининг 90 йиллиги, профессор Сайдулла Мирзаевнинг 70 йиллиги катта тантана билан ўтказилганлиги шу юрт фарзандларига бўлган эҳтиром рамзи бўлди. Худди шундай қарор билан Ургутда Нақшбандия сулукатининг намояндаси Хожа Валижон ва аллома Қутбиддин Эшон хотираларига бағишланган нуфузли илмий-амалий анжуман ўтказилди. Бу маросимда республикадан кўплаб таниқли олимлар, ислом илми намояндалари иштирок этишиб, азиз зотларга чуқур эҳтиром кўрсатилди. Ургутнинг Чорчинор мавзесида вилоят ва туман ҳокимликлари ёрдами ҳамда халқ мадади билан мақбара бунёд этилди, мазкур қабристон обод қилинди.

Самарқанд бугун истиқлол шарофати билан боболаримиз орзу қилган том маънода обод ва гўзал маъвога айланмоқда. Вилоят ҳокимлигининг шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш бўйича ойлик кўрик-танлов эълон қилгани эса бу ҳаракатларни янада жадаллаштириб юборди. Бугун вилоятнинг қаерига борманг, одамлар ўз уйини, остонасини тартибга келтираётганлигига, озод ва кўркам маҳаллалар, чойхоналар, маданий-маърифий иншоотлар бунёд этилаётганлигига гувоҳ бўласиз. Энг аввало, истиқомат даргоҳлари ораста қилинди, кўча ва хиёбонлар, қадамжо ва қабристонлар тартибга келтирилди.

Инсон қўли гул. Одамлар ғайрати ва меҳнатидан Самарқанд шаҳри қиёфаси ораста бўлибди. Шаҳар ҳуснини бузиб турган кўп қаватли уйлар олдида қурилган кўримсиз бинолар, панжара-тўсиқлар олиб ташланибди. Бекатлар ягона меъморий лойиҳа асосида қайтадан тикланибди. Бинолар ва уларнинг олди турфа рангда жилоланиб, шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Мовий гумбазли бозорлар, узун ва кенг кўчалар, маҳобатга бой савдо шаҳобчалари кўзни қувонтиради. Жаҳон андозаларига мосланган равон ва текис йўллар йўловчилар манзилини яқин қилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, бунёдкорлик ва ободонлаштириш, шунингдек, маҳаллалар ишига кўмаклашиш мақсадида Самарқанд шаҳрида даҳалар ташкил этилди. Бошқарма бошлиқлари, идоралар раҳбарларидан иборат даҳа етакчилари, яъни «кичик ҳокимлар» энди ўз даҳасидаги барча юмушлар билан ўзлари шуғулланадилар ва бу иш учун ўзлари жавоб берадилар. Одамларнинг муаммоларини энди ўзлари ҳал этадилар.

Сарой ва арклар деворларига суратлар ишлаш санъати юртимизда жуда қадимийдир, бунга биргина Афросиёбдан топилган деворий суратларнинг ўзи ёркин мисол. Бугунги кунда ҳам Самарқандда санъатнинг бу туридан кенг фойдаланилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ДИҚҚАТ:

ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2003 йилда атоқли ўзбек шоири, академик Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги юртимизда кенг нишонланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги пойтахтимизнинг марказий қисмида барпо этиладиган Ғафур Ғулом ҳайкалининг энг яхши лойиҳаси учун

РЕСПУБЛИКА ОЧИК ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда профессионал ҳамда ҳаваскор ҳайкалтарошлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган лойиҳалар шу йилнинг 30 ноябригача Ўзбекистон Бадиий академиясида қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги совринлар таъсис этилди:

— **Биринчи ўрин учун 500 минг сўм пул мукофоти;**

— **Иккинчи ва учинчи ўрин эгаларига рағбатлантирувчи мукофотлар.**

Танлов тўғрисидаги қўшимча маълумотларни 56-50-47; 56-53-46; 56-34-07 телефонлари орқали олиш мумкин.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

БУНЁДКОРЛИК ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ – ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз мулоқот чоғида пудратчилар ва хўжалик ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал бўлишига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шартнома мукаммаллиги ҳар икки томоннинг жавобгарлигини таъминлаши даркор. Агар шартнома хўжаликнинг айби билан бузилса, у пудратчи кўрган зарарни тўла қопласин, аксинча бўлса, пудратчи хўжаликнинг камомадини тўласин.

Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номидаги ширкат хўжалиги даласидаги суҳбатда Президентимиз пахта навини тола сифатига қараб танлаш зарурлигига эътибор қаратди. Кейинги йилдан бошлаб мамлакатимизда хўжаликлар билан толага қараб ҳисоб-китоб қилиш механизмини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон дунё бозорига пахта толасини чиқаради. Ҳисоб-китобнинг янги механизми йўлга қўйилгач, хўжаликлар кўпроқ тола берадиган навларни экишдан манфаатдор бўлиши табиий. Бу эса мамлакатимизнинг пахта толаси экспортидан оладиган даромадини янада оширади.

«Жейнов» мамлакатимиздаги машҳур ширкат хўжаликларидан. Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла Саидов раҳбарлик қилаётган бу хўжаликда амалга оширилаётган ишлар эътиборга сазовор. Жейновликлар 2002 йилда 1 миллиард 500 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни режалаштирган. Соф фойда эса 400 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда. Жорий йилда хўжалик 162 миллион сўмлик техника — ҳайдов ва чопиқ тракторлари харид қилди. Лизинг асосида 5 та «Кейс» пахта териш машинаси олинди.

Хўжаликда ҳар йили 70 миллион сўмгача маблағ қурилиш ишларига сарфланмоқда. Айни пайтда муҳташам коллеж биноси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Келгуси йили хўжалик фақат йўл қуриш, таъмирлаш, асфальтлаш ишларининг ўзигагина 50 миллион сўм маблағ ажратишни режалаштирган.

«Жейнов» ширкат хўжалигига ташриф чоғида Президентимиз пайчилар билан ҳисоб-китоб масалаларига алоҳида тўхталди.

Кўпчилик хўжаликларимизни ширкатларга айлантирганимиз билан колхозлар давридагидек иш юритиш ҳоллари учраб турибди, деди Ислом Каримов. Яъни, пайчиларга пай пулини бериш қониқарсиз аҳволда. Бундай шароитда пайчиларнинг ишга иштиёқи сусайиши табиий. Бу эса, ўз навбатида, пировард натижага — кўзланган режаларни бажаришга монеълик қилади.

«Жейнов»да бу борадаги ишлар ибратли. Бу йил олинган даромаддан пайчиларга 45 миллион сўм, яъни ўтган йилдагидан икки баробар кўп пай пули бериш кўзда тутиляпти. Президентимиз хўжаликда бу борада тўпланган тажрибани оммалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов шу куни Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги «Бегойим», Хўжам Низаматов ва Пайариқ туманидаги Навоий номидаги жамоа хўжаликларида бўлди.

Меҳнаткашлар билан учрашувларда мамлакатимиз раҳбари жойларда ерга ва мулкка муносабат ўзгариб, тадбиркорлик қўникмалари қарор топиши қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳридаги Сўғдиёна мавзеида барпо этилган замонавий истироҳат боғини бориб кўрди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов вилоят ҳокимлигида фаоллар билан йиғилиш ўтказди. Унда вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни муҳокама қилинди.

Шу билан Ислом Каримовнинг Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларига сафари ниҳоясига етди.

■ **(ЎзА)**

ЭРТАГА — САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ

Ислом КАРИМОВ:

Самарқанд деганда, тасаввуримизда дунёнинг энг кўҳна, қадимий тарихи ва шу тарихнинг бетакрор, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ўзига ром этиб, умрбод мафтун қилиб қўядиган буюк намояндалар сиймоси, мовий гумбазлар, муаззам миноралар ва ўлмас обидалар жонланади.



ШАҲАРЛАР САРВАРИ

САМАРҚАНД ШАҲАР ҲОКИМИ ЗАРИФ ПЎЛАТОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Зариф Юсупович, мана олти йилдирки, 18 октябрь Самарқанд шаҳри куни сифатида нишонланади. Бу сананинг тарихий аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳақиқатан ҳам кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри асрлар давомида бутун жаҳон халқларининг эътиборида бўлиб келган. Муҳтарам Президентимизнинг **«Тарихий хотирасиз келажак йўқ»** номли асарида таъкидланганидек **«Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ерда гап тантанадагина эмас, муҳими, биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз».**

1996 йилда бутун мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйи ўтказилди. Самарқандда буюк бобомизнинг салобатли ҳайкали ўрнатилди. Самарқанд шаҳрига биринчи рақамли «Амир Темур» ордени берилди. Ўша шукуҳли кунларда Президентимиз томонидан 18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни деб эълон қилинди. Бу эса тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, ўтмишга юксак ҳурмат, келажакка бўлган буюк ишончнинг намунаси эди.

Самарқанднинг ўзбек давлатчилик тарихида тутган ўрни беқиёсдир. Жаҳон фани, адабиёти, санъати ривожида самарқандлик аллома ва шоирларнинг беқиёс хизматлари бор. Самарқанд асрлар давомида буюклар бешиги, миллатнинг фахри ҳисобланган. Бу қадим юртга кимларнинг қадами тегмаган, кимдир қалам билан, кимлардир қилич билан унинг дарвозаларини очиб кирганлар. Мозий гувоҳи кўҳна шаҳар бутун шарқ учун илмфан манзили ҳисобланган. Бу ерда IX асрнинг охирлари, X аср бошида дастлабки мадрасаи олиялар вужудга келган.

Абу Мансур ал-Мотуридий, Хўжа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Қозизода Румий, Али Қушчи, Мирзо Улуғбек каби фанимиз, адабиётимиз, давлатчилигимиз фахри ҳисобланган боболаримиз шу ерда яшаганлар, жаҳоний кашфиётлар яратганлар. Баъзилари эса шу табаррук тупроққа бош қўйиб мангу уйқуга кетганлар. Самарқандда минг йиллардан сўзлайдиган қадим меъморий ёдгорликлар ҳамон қад ростлаб турибди. Шундай улуғ шаҳарнинг байрам кунини ўтказиш — ўзлигимизни англаш йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

— Бугунги Самарқанд, унда юз бераётган тарихий ўзгаришлар, ўзбек шаҳарсозлигининг беқиёс намуналарини яратиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида гапириб бермасангиз?

— Тўғриси, Самарқанд йиллар давомида қаровсизлик оқибатида ўз файзини йўқота бошлаган эди. Юртбошимизнинг ўтган йили Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаси барча самарқандликларни оёққа турғизди. Бутун шаҳарда ободончилик, кўкаламзорлаштириш зўр иштиёқ билан давом этмоқда. Дастлабки ишни дунё халқлари эътиборидаги қадимий обиданларни ободонлаштиришдан бошладик. Шаҳримизда ҳар бир иншоот миллий меъморчилигимизга хос услубда замон талаблари даражасида бунёд этилмоқда. Аҳоли турар жойлари, маҳалла марказлари қад ростламоқда. Халқимиз қалбидаги бунёдкорлик, ташаббускорлик мавжуд муаммоларга ечим топмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида қурилган ва қайта бунёд этилган иншоотлар анчагина. Тез фурсатларда ишга туширилиши мўлжалланаётган «Ёшлар маркази», «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари марказлари, қишки спорт-соғломлаштириш мажмуи ҳамда «Сўғдиёна боғи» каби ўнлаб замонавий иншоотлар ўзбек шаҳарсозлигининг ҳақиқий дурдоналари бўлиб қолади. Бугун Самарқанд қайтадан чирой очмоқда.

— Иқтисодий ислоҳотлар, қўшма корхоналар фаолиятига тўхталиб ўтсангиз?

— Бозор иқтисодиёти ҳар бир соҳада кучли рақобатни юзага келтирди. Шаҳримизда хорижий ҳамкорлар билан бунёд этилган кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бутун мамлакатимиз транспорт салоҳиятининг юксалишида салмоқли улуш қўшаётган «СамКОЧавто» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси, «Браво-сут», «Сингапур — Самарқанд», «Сино» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари нафақат шаҳримиз, республикамиз иқтисодиётида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Афсуски, рақобатга дош беролмаётган саноат корхоналари ҳам йўқ эмас.

Бугун эскича ишлаш ҳолати билан мутлақо келишиб бўлмайди. Замон ўзгарди. Боқимандалик кайфиятидан узоқлашишимиз керак. Самарқанд сифатли маҳсулотлари, улкан саноат корхоналари билан ҳам республикамизда ўз ўрнига эга. Биз хорижликлар билан қўшма корхоналар бунёд этишни давом эттиришимиз, тўла қувват билан ишламаётган завод, фабрикаларимизга янги технологиялар жорий этилишига ҳаракат қилишимиз керак.

— Самарқанд қадим-қадимдан бутун дунёга зиё таратган. Жаҳоннинг турли бурчакларидан маърифат истаганлар бу ерга интилганлар...

— Ҳа, Самарқандда бугунги кунда 6 та олий ўқув юрти, илмий текшириш институтлари, янги замон илм масканлари бўлган иккита академик лицей, ўн битта коллеж, яна кўплаб илм масканлари фаолият кўрсатмоқда. ЎзРФАнинг Самарқанд бўлими илмий изланишлар олиб бормоқда. Истиқлол йилларида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг маънавий, маърифий ҳамда илмий салоҳияти ҳам янада юксалди. Бугун бу ерда фанимиз дарғалари, заҳматкашлари ёшларимизни ўзлигини англаш, миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбияламоқдалар. Ушбу даргоҳдан жаҳонга машҳур спорт усталари ҳам етишиб чиқмоқда. Самарқанд олимларининг илмий изланишлари истиқлол йилларига келиб жаҳонга юз тутмоқда.

— Байрам тантаналари дастури ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Эрта тонгда дастлаб Гўри Амир мақбараси зиёрат қилинади. Шундан кейин ўқув юртлари, маданият саройлари, хиёбонлар ва меҳнат жамоаларида шодиёналар давом этади. Театр томошалари ва халқ ҳунармандчилиги кўргазмалари ташкил этилади. Шунингдек, Темирйўл туманидаги «Сўғдиёна боғи»нинг очилиши маросимида республикамиз санъат юлдузлари ва самарқандлик санъаткорлар иштирокида катта байрам томошалари бўлиб ўтади.

18 октябрь — Самарқанд шаҳри кунини ҳамшаҳарларимиз ҳаяжон билан кутиб оладилар. Бутун шаҳар байрам либосига бурканади. Ҳар бир кўча, майдон, маҳалла, ҳар бир қалб байрам руҳига тўлади.

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**



САМАРҚАНД САЙҚАЛИ...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом Э.Муҳаммадиев ва санъатшунослик профессори Н. Султоновларни бемалол халқимизнинг ана шундай фарзандларидан десак янглишмаймиз. Уларнинг Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг бош биноси фойесига ишлаган «Маърифат бўстони» деб номланган маҳобатли монументал ранг-тасвир асари фикримизнинг далили.

Улуғбек даврига бағишланган суратлар марказида юлдузли осмон остида Ер курраси авайлаб силаб турган буюк мунажжим Мирзо Улуғбек, унинг ёнида ҳисоб-китоб билан машғул Али Қушчи сиймоси тасвирланган.

Шунингдек, Темурийлар саройида элчиларни қабул қилиш, мадрасадаги устоз ва талабалар асарга фалсафий руҳ бағишласа, Илҳом париси ва товуслар, чироқ кўтарган қизлар композицияга ҳаётийлик киритган.

«Ғазал мулкининг султони» деб номланган қисмида нуроний Жомий, навқирон Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод сиймолари ёрқин бўёқларда чизилган. Мушоира давраси, Зебунисобегим суҳбати асарни янада бойитган. Айниқса, илоҳий ишқ билан ёниб куйлаётган Боборахим Машраб, ошиқнинг ёнаётган юрагини тутган қиз, ишқий қўшиқдан маст париваш ҳам ҳар қандай кишини ларзага солади, юракларда замзама қўзғайди.

Ўзбек шоиралари Нодирабегим, Увайсий, Маҳзуна сиймолари ўзининг ёрқинлиги, ғазал кучидан хаёл оғушида тасвирлангани билан кишини мафтун қилади, рассомнинг шоирона руҳни нозиклик билан илғай олганига қойил қоласан, киши.

Асарнинг сўнгги «Мустақиллик — орзулар рўёби» қисмида Юртбошимиз теварагига бирлашган бугунги авлод, шаҳдам қадам ташлаб нурли келажак сари интилаётган замондошларимиз тасвирланган.

Деворга нақшланган, мўйқалам билан битилган яна бир достон мени ҳайратга солди. Бу буюк достонда ҳам мозий ўзининг улуғворлиги, салоҳияти билан ақлимни лол этди. Инсониятнинг босиб ўтган узоқ йўлига боқиб, хаёлимда ажойиб манзаралар суратланди. Шарқнинг ақлу заковатига, сабру иродасига, фикру хаёлига, имон-эътиқодига яна бир карра тан бердим.

Буюк ипак йўли — қадимги тамаддуннинг беқиёс ёдгорликларидан ҳисобланади. Унинг бесарҳад сахроларию одам оёғи етмаган тоғликлар оша янги ва янги дунёларни кашф этган аждодларимиз жасоратларини ўзида мужассам этган.

Муқаддас истиқлол меваси бўлган Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Регистон майдонининг шундай биқинида, муборак Гўри Амир мақбарасининг рўпарасида жойлашган бош ўқув биноси деворларига қарийб 40 метр узунликда чизилган «Буюк ипак йўли» манзараси ушбу тарихий мавзуга бағишланган. Асар муаллифлари самарқандлик рассомлар Аслиддин Исаев ва Хушбахт Салоҳиддинов.

Деворга чизилган ажойиб мозий достонини томоша қилиб, ушбу муқаддас бинода кечган талабалик йилларим хаёлимда жонланди. Бир вақтлар СамДУнинг филология факультети жойлашган мазкур кошона таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Барча хоналар замонавий ўқув асбоблари билан жиҳозланган. Ҳар бир хорижий тилга дахлдор хоналар ўша тилга доир илмий, бадиий адабиётлар, компьютерлар, видеотехника, диктофонлар билан ораста қилинган. Бу ишда институт ректори Юсуф Абдуллаевнинг хизматлари беқиёс. Институт даргоҳидан Истиқлол нафаси уфуриб турибди. Бунда таълим олаётган ёшларга боқиб, ҳавасим келди.

САВОБ ИШНИ ҲАР КУН ҚИЛИНГ...

Самарқанд сувлари
Оби ҳайратдир,
Оби Кўҳак ила
Оби Раҳматдир.
Бир қултум ичганни
Ҳизр сийлайди,
Салсабилдан чиққан
Оби жаннатдир.

Самарқандда бугун ижтимоий масалаларни ҳал этишга жиддий киришилган. Вилоят ҳокимлигининг махсус ишчи гуруҳи бевосита жойларда бўлишиб, вазифаларни белгилаб олмоқдалар. Тўпланиб қолган масалалар барҳам топмоқда, лозим бўлган амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Вилоят ҳокимининг ҳар ойнинг охирги шанбасини «Мактаблар куни» деб эълон қилганлиги, айниқса, таҳсинга сазовор.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ижросини таъминлашга қаратилган «Мактаблар куни» тадбири муносабати билан таълим даргоҳларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланмоқда, ўқув-тарбиявий ишлар яхшиланмоқда. Бунда вилоят ҳокимлиги қошида тузилган халқ таълими бўйича Вакиллар кенгашининг иши ҳам эътиборга лойиқ. Оқсоқоллар, тажрибали мураббий-ўқитувчилардан тузилган бу кенгаш вакиллари туманларда бўлишиб, мактаб муаммоларини ҳал этмоқдалар, амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Кенгашнинг Тойлоқ, Пахтачи, Нуробод туманларида ўтказган юзма-юз очиқ мулоқотлари яхши самара бераяпти. Ургутликлар, унинг бойлари қурган янги мактабларни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Президентимиз ташаббуси билан вилоятда қурилган коллежлар таърифига сўз йўқ. Ўзбекистоннинг буюк келажаги, унинг салоҳиятли авлоди кўз олдимда намоён бўлди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Самарқандда хайрли ишлар қилинмоқда. Жойларда қариялар билан учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар уюштирилмоқда, ёрдамга муҳтож, якка-ёлғиз қариялларга алоҳида ғамхўрликлар кўрсатилмоқда, уларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилмоқда. Бу борада Самарқанд олий ўқув юртлари жамоалари ишлаб чиққан ташаббус вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланганлиги, айниқса, диққатга молиқдир. Муҳими шундаки, СамДУ, меъморчилик ва қурилиш, чет тиллар, қишлоқ хўжалиги, савдо, тиббиёт институтлари вакиллари туманларда истиқомат қилаётган фаол қарияларни билим даргоҳларига чорлаб, талабалар билан учрашувлар ўтказишмоқда. Бундай дилтортар мулоқотлар айни пайтда бевосита қишлоқларга ҳам кўчаётганлиги эътиборли. Шаҳар ва қишлоқларда қарияларга обод чойхоналар, гурунглашадиган масканлар бунёд этилаётганлигини кўриб, очиғи қувондим.

Куни кеча давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бориб кўрган «Сўғдиёна» истироҳат боғида бир ажиб ширин ўйларга чўмдим...

Шаҳардаги кенг-кўламли бунёдкорлик ишларини, сафарбарлик ҳолини кўриб беҳад қувондим ва Самарқанд ҳамиша ўз номига муносиб бўлиб қолишига ишондим. Она юрт тупроғидан бир сиқим олиб, яна бир карра кўзимга суриб, муқаддас масканни тавоф қилдим.

Ота-боболаринг
қабридир, Ватан,
Аждоду авлодинг
қадридир, Ватан.
Ватандан азиз
жой йўқдир дунёда,
Тангри-таолонинг
амридир, Ватан!

■ **Барот БОЙҚОБИЛОВ, Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

ХДП Ховос туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ХДП Сирдарё вилоят кенгаши биринчи котиби Д.Қулматов «Парламент ислоҳоти ва партия ташкилотларининг вазифалари» мавзуида нутқ сўзлади.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Назокат Эрматова ХДП Ховос туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Анжуман ишида туман ҳокими Р.Турдиев қатнашди ва сўзга чиқди.

ХДПнинг Жиззах вилоятидаги барча шаҳар ва туман кенгашларида партия фаоллари, депутатлар иштирокида партия ривожланиши масалаларига оид семинар-кенгашлар ўтказилди. Йиғилишларда ХДП Жиззах вилоят кенгашининг биринчи котиби М. Иномов «Парламент ислоҳоти ва партия ташкилотларининг вазифалари» ҳақида маъруза қилди. Шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котибларининг «Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорлари асосида ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, ХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини яхшилаш бўйича ахборотлари тингланди. Йиғилганлар эътибори партия тузилмалари фаолиятидаги ҳали мавжуд камчиликларга, қилинмаган ишларга қаратилди, партия фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўплаб таклифлар киритилди. Мазкур семинар-кенгашлар тавсиялари асосида вилоятдаги 725 та бошланғич партия ташкилотларидан 687 тасида партия йиғилишлари ўтказилиб, уларда демократик ислоҳотларнинг янги босқичидаги вазифалари белгиланди. Шунингдек, семинарларда партия нашрларига 2003 йил учун обунани ташкил этиш масаласи ҳам кенг муҳокама этилди.

ХДП Бухоро вилоят кенгашида шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари иштирокида ўтказилган семинарда «Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Партия Муборак туман кенгашида ўтказилган бошланғич партия ташкилотлари котибларининг навбатдаги йиғилиши ЎзХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДП тузилмаларининг партия матбуот нашрларига 2003 йил учун обунани ташкиллаштириш юзасидан асосий вазифалари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш масалаларига бағишланди.

ХДП Касби туман кенгаши, «Наврўз» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти негизида, «Мамлакатимиздаги парламент ислоҳотини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари» мавзуида семинар-кенгаш ўтказди. Унда бошланғич партия ташкилотлари котиблари, туман Кенгаши депутатлари иштирок этдилар. Семинар мавзуида белгиланган масала юзасидан Касби туман партия кенгашининг котиби Р.Тўраев маъруза қилди.

ХДП Гулистон ва Меҳнатобод туман кенгашларида бўлиб ўтган семинар-кенгашлар иштирокчилари демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар, партия Экологик дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, мамлакатимизда қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишида партия ташкилотларининг иштироки, ҳудудий партия тузулмаларини ташкил этиш ишини ниҳоясига етказиш каби муҳим масалалар юзасидан аниқ таклифлар киритдилар.

Семинарларда мазкур туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари Х.Казаков ва З.Қаршибоевлар сўзга чиқиб, жамият ҳаётида сиёсий партиялар ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ўрни тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Яккасарой туманидаги «Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сервис маркази» бошланғич партия ташкилоти йиғилишида партия аъзолари фаоллигини ошириш масаласи муҳокама этилди.

ҚАРИЯЛАРГА ЭҲТИРОМ

Қувасой шаҳридаги «Зебунисо» номли маҳалла фуқаролар йиғини ўзининг навбатдаги тадбирини ёши улуғ инсонларга бағишлади. Бу ерда ХДП Қувасой шаҳар кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Уч авлод учрашуви» ўтказилди. Учрашувга кексалар, нуронийлар билан бирга «Ниҳол» ёшлар клубининг аъзолари таклиф этилдилар. «Бу юртга бордир керагим» мавзуидаги очиқ мулоқотда маҳалла қариялари, жамоатчи ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари фаол иштирок этдилар.

Учкўприк туманидаги «Наврўз» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан мактабда узоқ йиллар ишлаган ўқитувчилар ва ёш мутахассисларнинг учрашуви ташкил этилди.

Кечада кекса мураббийларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқ ва тилаклари тингланди, Шогирдлар томонидан тайёрланган концерт дастури якунида ўқувчилар ўз қўллари билан тайёрлаган эсдалик совғаларини устозларга ҳадя этдилар.

ХДП Бувайда туман кенгаши томонидан Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб ўтказилган тадбирга «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» унвонига сазовор бўлган ХДП аъзолари М.Дориева, Р.Жўраева, М.Акбарова, Д.Раҳмонова, М.Темирова, А.Тожиева, М.Эргашевалар таклиф қилиндилар. Ёшлар тарбияси муаммоларига бағишланган суҳбат якунида устозларга мазкур туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Қоровулбозор тумани ҳудудида жойлашган «Ўзнефтегазқурилиштаъмирлаш» хиссадорлик жамияти раиси, ХДП туман кенгаши ижроия бюро аъзоси И.Мўминовнинг ташаббуси билан «Сиз ҳамиша эъзоздасиз!» мавзуида, «бир пиёла чой» устидаги мулоқот ўтказилди. Унда 70 нафардан ортиқ табаррук отахон ва онаҳонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Учрашувда туман партия кенгашининг биринчи котиби И.Нурманов Қарияларни қадрлаш йилида мамлакатимизда олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида чиқиш қилди.

Қарияларни қадрлаш йили доирасида, **Боёвут туманидаги** «1-Боёвут» хўжалигида, хўжалик маъмурияти ва бошланғич партия ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган, «Кексаларга эҳтиром» мавзуидаги учрашувга 1500 нафар кексалар таклиф этилдилар. Учрашувда халқ депутатлари Боёвут туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар — туман ҳокими Э.Дадабоев, хўжалик раиси F.Алиевлар сўзга чиқиб, ўтмиш гувоҳи бўлган табаррук инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш, эзгуликнинг қадрига етиш тўғрисида гапирдилар. Тадбирда иштирок этган, вилоят ва туман давлат идоралари раҳбарлари, депутатлар, шоирлар, матбуот ходимлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари қарияларни қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, унинг энг халқчил урфга айланганлигидан мамнун эканликларини билдирдилар.

Иқтидорли болаларнинг бадиий чиқишлари, санъаткорларнинг куй ва қўшиқлари даврага файз бахш этди. Барча учрашув қатнашчиларига дастурхон ёзилиб, зиёфат берилди ҳамда фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Бекобод туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши, «Камолот», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» каби нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг туман бўлимлари ҳамкорлигида, «Хос» ширкат хўжалиги негизида, «Қариси бор уйнинг — париси бор» мавзуида «давра суҳбати» уюштирилди.

Суҳбатда иштирок этган ХДП Бекобод туман кенгаши биринчи котиби З.Қодиров, туман ҳокимлиги мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Р.Ан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Ш.Саъдуллаева ва бошқалар кексаларимизнинг ёшларга устоз-муаллим, ҳамдард-ҳамнафас ва суянчиқ эканлиги ҳамда уларнинг тиниб-тинчимаслиги, эзгу ниятлари билан барчага ўрнак, намуна бўлаётганликлари тўғрисида сўзладилар.

Тадбир ниҳоясида туманда ўтказилган «Намунали оила» кўрик-танлови ғолибларига эсдалик совғалари ҳадя этилди.

НУКУС ШАҲРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

БАҒРИ КЕНГ, КЎНГЛИ ОЧИҚ КЕНТ БУ...

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИ НУКУС УЛКАН ҚУРИЛИШ МАЙДОНИ ТУСИНИ ОЛДИ. АЙНИҚСА, ШУ КУНЛАРДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА — РАВОН АСФАЛЬТ ЙЎЛЛАР, МЎЪЖАЗ ХИЁБОНЛАР, КЎРКАМ САЙИЛГОҲЛАР ПАЙДО БЎЛЯПТИ...

Рўпарангда турган ҳашаматли бинони кўриб ҳайрон қоласан: яқиндагина унинг ўрнида бир иншоот қурилиши кетаётган эди. Дафъатан, унинг қачон бошланганини эслай олмайсиз. Чунки тез қуриляпти, ҳамма қуряпти — давлат ҳам, корхоналар ва хусусий мулкдорлар ҳам. Шаҳар тез ўзгариб, яшариб, гўзаллашиб бораяпти.

— Шаҳарлар ҳам одамларга ўхшайди, — дейди шаҳар ҳокими Имямин Қалмуратов. — Байрам арафасида улар ясаниб-тусанишади, ороланишади... Фарқи шундаки, тўйларга одамларнинг ўзлари ясаниб боришади. Шаҳарларга эса оро бериш бу ерда яшаётган аҳоли меҳнатига, ҳимматига, дидига боғлиқ. Ҳозир Нукусда шаҳар ҳокимидан тортиб, 255 минг кишилик фуқароларгача юбилей тантаналарига қизғин тараддуд кўрмоқда...

Одатда шаҳарлар бағрида яшаётган одамлар ўз феъл-атворлари билан бир-бирларига ўхшаб кетади. Нукусликлар ҳам шундай. Улар сизнинг эски қадрдонингизми, ёки умрингизда биринчи бор кўраётган ҳамроҳингизми, қатъи назар, бир зумда қадрдонлашиб, сизга борини тўкиб соладиган бағри кенг, кўнгли очиқ одамлар. Демак, улар яшаётган маскан — Нукус ҳам шу таърифу шу ташбеҳга жоиз кентлардан бири. Сўзларимга заррача шубҳа қилсангиз, марҳамат, сизга Нукус ва нукусликлар ҳақида ҳикоя қилиб беришга шайман.

САУКЕЛЕ КИЙГАН АЁЛ

Етмиш йиллик тўй баҳона Санъат музейининг янги ҳашамдор биноси барвақт битди.

Музей залларидан бирига киришингиз билан кўзингиз ўртага тикилган ўтовга тушади. Унинг олдида бўлим мудири Ойгул Пирназаровани учратдик. Мен бу ўтовларни илгари кўп марта кўрган ва чўпон аёллардан ўтов жиҳозларини тикиш ҳамда тўқиш жараёнларини, сир-асрорларини сўриштирган бўлсам-да, Ойгул опайнинг ҳикоясидан сўнг бу борада ҳали камроқ билишимни англадим.

...Опай билан қорақалпоқ аёлларининг қадимий бош кийими — саукеле олдида тўхтадик. Матриархат даврида аёллар ана шундай бош кийим билан жангларга киришган. Устунлик эрлар қўлига ўтгач, унга эҳтиёж қолмаган, аммо тадбиркор аёллар уни турли асл тошлар ва тўпиққа тушгунча ҳар хил мунчоқлар билан безаб, тўй либосига айлантирганлар.

— Мана бу либос — қизил киймешекни қизлар ёшлигиданоқ тўқишиб, уни тўй-томоша кунлари кийиб юришни одат қилишган, — тушунтира бошлайди опай. — «Олтингда бошласанг ошасан, еттингда бошласанг етасан» деган гап шундан қолган...

Киймешекнинг елкага ташланадиган, бўйинга тақиладиган қисмлари атрофига қаторқатор кашталар солинган. Кашта гуллари бир-бирига ўхшамайди, бир-бирини такрорламайди. Ўлчамлари аниқ ва пухта. Таъбир жоиз бўлса, гўё бир асар у. Қадимда ҳар бир қорақалпоқ қизи ана шундай асарлар яратолган ва у қорақалпоқ аёлларининг энг ардоқли буюми ҳисобланган.

Асрлар юзини кўрган бу қизил киймешекларнинг мазкур музейдан жой олиши — машҳур ўлкашунос Толстов экспедицияси билан, аниқроғи, шу экспедицияда Қорақалпоғистонга келган рус рассоми Игорь Васильевич Савицкий номи билан боғлиқлиги қизиқ.

Ўзининг Москвадаги — Арбатдаги шинам уйини ва тинчгина ижодий ҳаётини қорақалпоқ диёрига, ундаги қизиқарли турмуш тарзига алмашган олим 1966 йил Нукусда миллий қорақалпоқ буюмлари музейи ташкил қилади. Ундаги киймешек, саукеле, тўбелик сингари бош кийимлари, қадимги заргарлик ишлари, археологик буюмлар Игорь Васильевичнинг дастлабки йиллари ўзи шахсан йиққан экспонатлардир. У қорақалпоқлар кўнглига йўл топиб, ҳар хил «тўполон»лардан асраб, сандиғида яшириб юриб, бир кунмас-бир кун музей ташкил этишни ва «ҳали бу музейни кўришга бутун дунёдан одамлар келади», деб ният қилган. Мустақиллик йиллари унинг орзуси рўёбга чиқди. Мамлакатимизга келган чет элликлар шаҳардаги бу музей ҳақида сўраб-суриштириб, уни кўриш истагини билдира бошлашди.

Ҳозир музейга И.В. Савицкий ишининг давомчиси, унинг шогирди Мариника Бобоназарова раҳбарлик қилмоқда. Музей бўлмалари бўйлаб қилинаётган экскурсиялар тўрт тилда — қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилмоқда. Уларни хорижий тиллар билган, ижодий туризм хизмати савиясидан хабардор кадрлар бошқаришади. Масалан, экскурсовод Феруза Утеулиева Америкада тўрт ой ўқиб, ҳозир таълимни Голландияда давом эттирмоқда.

Қолаверса, ҳамроҳимиз Ойгул Пирназарова ҳам дастлаб музейга фаррош бўлиб ишга келганди. 35 ёшида беш боласи билан университетда таҳсил олди. Овул кайвониси — бувиси Даулет кампирнинг изидан юриб, қорақалпоқ халқ қўшиқлари ва термаларини, мақол ва маталларини, урф-одатларини қунт билан ўрганди, уларни назарий билимлари билан мустаҳкамлади.

— Экспонатларимиз билан Германия, Франция, Италия сингари йирик мамлакатларда бир неча бор ижодий сафарларда бўлганмиз, — дейди у. — Чет элликлар ҳаммаси буюмларимизни ҳайрат билан томоша қилишди.

Опай қадимий либослар олдида туриб, ўша давр қўшиқларидан куйлай бошлади:

Қулоғимда янгам тақкан сирға бор,
Қулун этин ейман десанг қирга бор.
Ошиқлик лаззатин тотайин десанг,
Ўзинг суйиб, ўзинг танлаб ёрга бор...

...У қўшиқ куйлаб турганда мен музейдаги саукеле ва тўбеликни хаёлан унинг бошига кийгизиб, қизил киймешекни эгнига ташлаб, чортугма ва калитбоғни тақиб қўяман... Қаршимда ўтов олдида куйлаётган қорақалпоқ аёлининг сиймоси гавдаланади. Либос опайга жуда ярашди, у бу кийимларга жуда-жуда муносиб эди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг Нукус филиали

ҚАДРИЯТЛАР ҚАД РОСТЛАЙДИ

— Ҳозир маблағинг бўлмаса икки кишининг бошини қовуштириб, бирор ишни буюриш амримаҳол. Аммо бизнинг «Арал алтин мийраси» жамоа бирлашмасида ўн бир нафар аёл бошини бириктирган восита фақат моддий манфаатдорлик эмас, — дейди бирлашма раҳбари Гулнора Ембергенова, — мақсадимиз қорақалпоқ халқ ҳунармандчилигини тиклаш, иш билан таъминланмаган хотин-қизларга иш ўргатиш ва шу ҳунар орқали оилалар бюджетини мустаҳкамлашга имкон яратиб бериш. Масалан, яқинда Мўйноқ туманида 20 нафар каштадўз аёл шундай имконга эга бўлди. Нукус шаҳридан ҳам 20 нафар қиз улар сафига қўшилди, янгидан ташкил этилган бирлашма цехида каштадўзлик қилишмоқда...

Қорақалпоқ каштачилигининг ўзига хос йўллари, услублари бор. Ранго-ранг ипаклар билан майдалаб тўқилган кашталар — миллий кўйлак ва чопонлар, қора рангли қалпоқ ва дўппиларнинг муҳим безаклари сифатида асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Қизлар тўқиган каштали ҳамён ва сумкача сингари ёдгорлик буюмларини бугунги кунда чет элликлар севиб харид қилишяпти. Ҳунармандлар ўз асарлари билан Тошкент, Алмати, Бишкек, Ўш шаҳарларида ўтказилган Марказий Осиё халқлари ҳунармандчилиги Халқаро кўргазмаларида муваффақиятли иштирок этдилар. Бирлашманинг оёққа туришида «СОРОС», «Nov b» (Голландия) каби ҳамкорликни ривожлантириш халқаро ташкилотлари яқиндан ёрдам беришди.

— Биз момоларимиз ҳунарини ўрганганимиздан хурсандмиз, — деб фахрланишди бирлашма цехида ишлаётган Саятхан, Гулойим, Халлигул, Айна, Арухан исмли қизлар. — Биздан кўриб қўшни овул ва туманлардаги қизлар ҳам ҳунар ўрганиш истагида манзилимизни излаб келишяпти...

Нукусда қад ростлаган янги туғуруқхона

ИЗЕНТОЕВЛАР ОИЛАСИ

Шаҳарнинг 25-даҳасидаги бошқаларникидан унчалик фарқ қилмайдиган уйлардан бирида академик Жўллибой Изентоев оиласи — унинг турмуш ўртоғи, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Генжегул Туримбетова ва уларнинг олти нафар фарзанди яшайди.

Изентоевлар хонадонига кунда бўлмаса ҳам кун оша чет эллардан қўнғироқлар бўлиб туради. Тўнғич фарзанди Гулбаҳор Америкадан қўнғироқ қилса, Жаҳон Италиядан... Гулбаҳор «Акселс» дастури грантини қўлга киритиб, Денвер штати университети магистратурасида таълим оляпти. Беҳзод номидаги рассомчилик институтининг 3-курс талабаси Жаҳон Изентоев «Умид» йўлланмаси билан Италиянинг Альдо Бели Бадиий академиясига ўқишга қабул қилинган...

Қорақалпоқ тасвирий санъатининг ёрқин намояндаси, Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, академиянинг Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи Жўллибой Изентоев асарларида қорақалпоқ халқининг табиати, ҳаёти кўзга ёрқин ташланиб туради. Рассом асарларидаги қорақалпоқ аёлларининг ўзига хос образлари, айниқса диққатни жалб этади. «Она» портретининг қаҳрамони — урчуқ йигираётган аёлнинг қўли ишдаю, хаёли узоқ-узоқларга учаяпти... «45-йил аёллари» картинасида ўтов олдида уч аёл — она, жувон ва ёш келинчакнинг уруш майдонларидан хабар кутаётгани, йўл қараётгани сезилиб турибди...

Буларнинг ҳаммаси Жўллибой оғанинг болалик хотиралари. У отасидан жуда эрта етим қолган. Кўнғиротнинг олис овулларидан бирида яшайдиган бу болакай учун ўшанда ягона орзу — Кўнғирот марказига бориш, қўшни бола ҳикоясидан эшитгани — пуфакчалар чиқариб, жимирлаб турувчи сариқ рангли газсувдан тўйиб-тўйиб ичиб кўриш эди...

Жўллибой Изентоев ўз болалигини бугунги болалар ҳаёти билан таққослайди ва шукрона айтади. Истиқлол бўлмаганида қизи Гулбаҳор бугун Америкада машҳур профессорлар эътирофига сазовор бўлармиди? Ота изини босган Жаҳон-чи?!

Оғага мавриди бўлмаса-да, кўнглимдан кечган бир саволни бердим:

— Ғарбда яшаб, ғарбда таълим олган болаларингиз кейинчалик ғарбча фикрлашга ҳам ўрганиб кетмасмикин?

— Йўқ, — деди у қатъий ва қўшиб қўйди: — кичик Изентоев яқинда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада «Орол фожиаси» асари билан қатнашиб, фахрий диплом олди. Унинг асаридаги тасвир: кафтдек қўлга айланган денгиз, қумликлар ўртасидаги кемалар, саҳродаги балиқ суяклари... хуллас, экологик фожиа томошабинлар диққатини тортди... Демоқчиманки, қорақалпоқ боласи қаерда бўлмасин, ўз миллий менталитетидан келиб фикрлайди, ўз юртини ўйлайди, унга куч ва мадад беришни ўйлайди. Бағрини кенг, кўнглини очиқ тутади...

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ПАХТА — 2002»

УРУҒЛИК РЕЖАСИ БАЖАРИЛДИ

Самарқанд вилояти пахтакорлари элита уруғлик бўйича режани бажардилар. Улар 35 минг 300 тонналик хирмон бунёд этдилар. Тайёрланган уруғлик эртапишар, серҳосил, сифатли пахта берадиган, жаҳон бозорида юқори баҳоланадиган саноатбоп ҳисобланган «Окдарё-6» ва «Омад» навларини ташкил этади.

Айни кунларда вилоятда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Бутун куч ва диққат-эътибор ҳосилни тезроқ ва сифатли саранжомлаб олишга қаратилган.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЧОРТОҚ ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Чортоқ тумани пахта усталари Наманган вилоятида биринчи бўлиб йиллик шартномавий режани бажардилар. Иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғи учун 10050 тоннадан ортиқ биринчи навли хомашё йиғиштириб олинди. Ўтган йилгидан 1500 тонна кўп пахта етиштирган миришкорлар соҳадан келадиган соф фойда миқдорини 192 миллион сўмга етказдилар.

«Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдували Абдураҳимов, Алишер Навоий номли, «Ойқирон», «Фарғона» хўжаликларидан Шарифбой Курбонов, Одилжон Қозоқов, Илҳомжон Турсуновларнинг далаларида ҳосилдорлик 45-65 центнерга етди.

Туманда яна 700 тонна пахта тайёрлаш йўлида терим уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА

Аҳолини рўйхатга олиш комиссиясининг янги маълумотларига кўра, бугунги кунда Чеченистонда 1 088 816 киши истиқомат қилар экан. Унинг пойтахти Грознийда эса 205 минг киши яшайди. Чеченистон Республикаси ҳукумати раиси Станислав Илёсовнинг айтишича, бу кўрсаткич мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун етарли кучдир.



ШЕРИКЛАРИ УШЛАНДИ

Хельсинки биқинидаги шаҳарчанинг савдо марказида портлаш содир этган террорчининг икки ҳамтовоғи Финляндия полицияси томонидан қўлга олинди. Портлаш натижасида етти киши, шу билан бирга террорчининг ўзи ҳам нобуд бўлди. 80 дан ортиқ одам эса жароҳатланди.

Шунингдек, Исроилнинг Афула аҳоли пунктидан Бейт Шеан водийсига йўл олган Egged компаниясига қарашли автобусда ҳам портлаш содир этилган. Натижада 4 киши оғир тан жароҳати олди. Улар тезда Афуладаги Хаемек касалхонасига ётқизилди. Автобусда 20 нафар йўловчи бор эди. Теракт сабаблари аниқланмоқда.

ТАНА САВДОСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАНЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Новосибирск вилояти прокуратураси вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи Владимир Новоселовга нисбатан мансабни суиистеъмол қилганликда айблов эълон қилиб, унинг устидан жиноий иш қўзғади. У немис авангард-рассоми Гюнтер фон Хагенс ташкил этган «Таналар дунёси» кўргазмаси учун одам тана қисмларини етказиб берганликда айбланмоқда. Кўргазмага 56 хил одам тана қисмлари, шунингдек, «бош миядан тайёрланган препаратлар»дан 400 тага яқин етказиб берилган.

ЎЙИН ҚОЛДИРИЛГАНЛИГИ САБАБЛИ...

Грузиянинг таниқли артисти, спорт шарҳловчиси Котэ Махарадзени республикамиздаги футбол ишқибозлари ҳам яхши билишади. Шу кунларда у касалхонада даволанмоқда. Ўн иккинчидан ўн учинчи октябрга ўтар кечаси инсультни бошидан кечирди.

Маълум бўлишича, ўша куни у ўта асабийлашган. Гап шундаки, Грузия ва Россия терма жамоалари ўртасида футбол бўйича мусобақа бўлиши керак эди. Аммо стадионда электр энергияси узилиб қолди. Натижада ўйин бошқа кунга қолдирилди. Бу эса Котэ Махарадзега ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

БОСҚИНЧИЛАР ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИЛДИ

Уч қуролли киши Хартумдан (Судан) Жидда (Саудия Арабистони) томон 450-рейс билан парвоз этаётган Saudi Arabian Airlines компаниясига қарашли самолётни гаровга олишга уринишди. Бироқ самолёт салонида ҳозир бўлган компаниянинг махсус гуруҳ ходимлари уларни тезда қуролсизлантиришга муваффақ бўлишди.

Reuters ахборот агентлиги самолёт салонида пистолет билан қуролланган бир киши борлиги ва у самолётни гаровга олишга урингани ҳақида авиакомпанияга хабар берган эди. Аммо Мисрнинг Мена ахборот агентлиги берган хабарда айтилишича, салонда уч нафар қуролли босқинчи бўлган.


АВСТРИЯ КЎЧАЛАРИДА

ЮРТИГА ҚАЙТМОҚЧИ ЭДИ, АММО...

Афғонистоннинг собиқ шоҳи Зоҳир Шоҳ шу ҳафтада Франциядан Кобулга қайтмоқчи эди. Аммо яна бир неча кун Франция-да ушланиб қолишига тўғри келмоқда. Сабаб: яқинда ҳаммомда чўмилиб чиқаётиб тойиб йиқилган ва бир неча қовурғасини жароҳатлаб олган. Собиқ шоҳнинг ёрдамчиси Оятулла Дайнининг айтишича, душанба куни 88 ёшини нишонлаган Зоҳир Шоҳ ҳозир шифокорлар назорати остида:

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ҚЎШНИ ҲАҚИДА КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Афғонистонда аксилтеррор амалиётларидан кейинги аҳвол қандай? Бу савол кўпларни, айниқса, яқин қўшни бўлган биз ўзбекистонликларни қизиқтириши табиий, албатта.

Биз яқин қўшни сифатида жафокаш афғон халқига тинчлик ва барқарорлик тилар эканмиз, борди-келдимиз, олди-бердимиз, савдо-сотиғимиз, меҳмондўстлигимиз ўтмишдагидек тикланишини истаймиз. Толибонлар Афғонистонда ҳокимиятга эгалик қилмасидан олдин муносабатларимиз ана шу тарзда тиклана бошлаган эди. Толибон ҳукумати мамлакат ҳудудини халқаро терроризм ўчоқларига айлантириб юборганидан кейин бу алоқалар узилиб қолди.

Энг муҳими, аксилтеррор амалиётлари натижасида мамлакатдаги асосий хавф-хатар манбалари — террористлар тайёрлайдиган ва халқаро террористлар ин қуриб олган марказлар ер билан яксон қилинди. Ички ғоявий курашлар ҳамда миллий-этник низоларнинг пайи қирқилди. Афғон халқи бунёдкорлик ишига қадам бошқа кўринишларда намоён бўлмоқда. Афғонистон ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган бир неча кўприкни созлашда, қайта қуришда ёрдам сўраб Ўзбекистонга мурожаат қилганлигини биламиз. Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистонга кўрсатилаётган ҳар қандай ёрдамни кучайтириш, марказлаштириш, аниқ мақсадга йўналтириш ва бошқа қўшни давлатлар билан мувофиқлаштириш тарафдори. Бир сўз билан айтганда, биз тарихи бир, диний эътиқоди ҳамда қадриятлари бир бўлган қўшни ва қардош халққа имкон қадар ёрдам кўрсатишни истаймиз.

Ҳамкорлик қилишимиз, афғон халқи тезроқ ўзини ўнглаб, бунёдкорлик, тараққиёт йўлига тушиб олиши учун энг аввало тинчлик керак. Афсуски, нотинчлик рўй бериб турибди. Ғаламислик хатти-ҳаракатлари содир этилмоқда. Мамлакат раҳбари Ҳамид Карзайга бир эмас, бир неча марта суиқасд уюштирилди. Вице-президент Қодир суиқасд қурбони бўлди. Бундай суиқасдлар баъзи вазирларга ҳамда маҳаллий ҳокимларга ҳам уюштирилди. АҚШ, Буюк Британия ва бошқа давлатларнинг мамлакатда тинчликни сақлаб турувчи ҳарбий бўлинмаларига нисбатан қуролли иғвогарликлар қилинди. Бир неча марта этник низолар чиқиш хавфи пайдо бўлди.

Энг муҳими ва энг хавфлиси бугина эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертларининг маълумотларига кўра, Афғонистонда бу йил героин ишлаб чиқариш ҳажми ва кўкнори экилган майдонлар кўлами энг юқори даражага чиққан. Бу — тўқсонинчи йиллар охиридаги рекорд даражадан ҳам юқори. Яъни, қарийб 91 минг гектар майдонга кўкнори экилган. Бу минглаб тонна наркотик модда дегани. Агар тўқсонинчи йиллар охирида жаҳон бозорига етказиб берилган заҳри қотилнинг 70 фоизи Афғонистон улушига тўғри келган бўлса, бу йилгисини тасаввур қилиш қийин эмас.

Қўшни мамлакатда етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган наркотик моддалар Эрон, Покистон ва Марказий Осиё давлатлари орқали Россияга, сўнгра Европа мамлакатларига етказишга ҳаракат қилиняпти. Ўзбекистон ҳам транзит мамлакатлар қаторига киради. Кўпинча Тожикистон фуқароси бўлган етказиб берувчилар бизнинг ҳудудимиз орқали ўтишга уринмоқда. Наркобизнес шундай даҳшатли ва шафқатсиз жиноий унсурки, бундай аҳвол жаҳон ҳамжамиятини, биринчи навбатда Афғонистонга қўшни бўлган давлатларни ташвишлантириши табиий ҳол, албатта.

Гап қўшни давлатдаги вазият ҳақида борар экан, салбий ҳолатларга сабаб бўлаётган бошқа омилларга ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ҳозиргача 1,7 миллиондан ортиқ афғон қочоқлари ўз ватанларига қайтди. Бу жараён давом этмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу кўплаб иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, йигирма йилдан ортиқ давом этган уруш халқни қашшоқлик ботқоғига ботириб, мамлакатни ярим вайронага айлантириб қўйди. Хориж мутахассисларининг фикрича, мамлакат иқтисодини тиклаб изга солиб юбориш учун камида ўн беш миллиард доллар керак. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатлар ҳозиргача Афғонистонга салкам икки миллиард доллар миқдорида ёрдам берди. Бу маблағнинг асосий қисми қарийб етти миллион аҳолини очликдан сақлаб қолишга сарфланди.

Бугун афғон деҳқони тинч меҳнат қилишни истайди. Зиёлилари мамлакат тезроқ маърифат сари юз тутишини хоҳлайди. Улар шунга ҳаракат ҳам қилишмоқда. Аммо сотқинлар, толибонларнинг яширин юрган ҳамтовоқлари оддий халқ ҳаётини заҳарлашга уринишмоқда.

Тарихдан шу нарса маълумки, Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ўртасида ҳеч қачон кескин тўқнашувлар бўлмаган. Улар ҳамиша яхши қўшничилик анъаналарига содиқ қолишган. Ҳатто Ўзбекистон собиқ империя мустамлакаси бўлиб, Афғонистонда подшолик тизими ҳукм сурган пайтда ҳам қўшни ва қардош халқлар муносабатлари дўстона бўлган. Толибонлар ҳукмронлиги пайтидагина бундай муносабатларга дарз кетди: толибон ҳукумати бизга нисбатан душманлик йўлини танлади ва қўшнилари хавфсизлигига таҳдид қила бошлади.

Биз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Бурҳониддин Раббоний ҳукумати билан жуда яхши муносабатлар ўрнатган эдик. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил сентябрь ойи ўрталарида Раббонийга юборган мактуби мазмунидан ҳам билиш мумкин. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ўтмишимизнинг чамбарчас боғланган, кўп даврлар давомида ягона бўлган тарихи, айниқса, ислом фалсафаси ва руҳияти билан суғорилган ва минтақамиз халқларини бирлаштирган маънавий ришталар, урф-одатлар, анъана ва қадриятларимиз бирлиги ҳаммамиз учун катта куч ва мадад берувчи қудратли манбадир».

Бу мактубга ўн йилдан ошди. Бироқ ундаги мана бу дил сўзлари, эзгу тилаклар назаримда ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам, умуман, ҳеч қачон ўз кучини, аҳамиятини, мазмунмоҳиятини йўқотмайди: «Ён қўшнимиз — Афғонистон халқи билан туб маънода қардошлик муносабатларини ривожлантириш эрксевар ва садоқатли Ўзбекистон аҳлининг асл ниятидир. Авлод-аждодларимиз руҳи, халқларимизнинг эзгу ниятлари эндиликда барчани хотиржамликка, тинч меҳнатга, қўшничилик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга чорламоқда».

■ **Иброҳим НОРМАТОВ,**
сиёсий шарҳловчи

«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ СОҲИБЛАРИ

ҲАЁТ ДОВОНЛАРИ

МАШҲУР МАТЕМАТИК ОЛИМ ТОШМУҲАММАД САРИМСОҚОВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

Кўп мутолаа айлаган, чуқур билим ва идрокка эга бўлган инсон дунёнинг барча аччиқ-чучукларини тушунади, дилдан ҳис этади, оламнинг айланиб туриши ҳақидаги ҳақиқат ҳамиша унинг кўз олдида туради. Ақл, тафаккур Аллоҳнинг инсонга берган энг ажойиб неъматларидан биридир. Кўҳна тарихимиз саҳифаларига назар ташласак, худо ёрлақаган, назари тушган алломалар, олиму фузалолар ўз билимлари, ақл-заковатларию, ёзиб қолдирган илму амаллари билан азалий тарихимиз саҳифаларида абадул-абад қолдилар, ҳамиша эл-юрт ҳурматида, эътиборида бўлдилар.

Мен қаламга олаётган буюк инсон — машҳур математик олим, эл севиб ардоқлаган, иззат-икром айлаган академигимиз Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқовдир. Бу муборак ном барчага маълум ва машҳур: университет талабаси ҳам, ўқитувчиси ҳам, шу олийгоҳни битириб, республикамиз турли жабҳаларида ишлаб юрган барча касб соҳиблари ҳам уни билишади, ҳурматлашади.

У Ўзбекистон математикларининг ҳақиқий отахони, бутун умрини илм-фан ривожига бахшида айлаган беназир олими замон эди.

Азалий тарихда математика илмининг энг ривож топган маволаридан бўлган Ватанимизда янги замон математика мактабининг асосчиларидан бири ҳам академик Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқовдир. Бу илм маскани авжи уруш йиллари Ўзбекистон Фанлар академиясининг математика ва механика институти деб аталарди. Академиклар Қори Ниёзий, Н.Н.Романовский, Т.А.Саримсоқов, С.Ҳ.Сирожиддинов институтнинг асосчиларидан эдилар. Профессор Н.Н.Назаров институтнинг биринчи директори бўлган. Мазкур илм даргоҳидан қанчадан-қанча фан номзодлари, докторлари, академиклар, жамоат ва давлат арбоблари етишиб чиқди. Ўзбекистон Фанлар академиясига шу даврга қадар ўн нафар президент сайланган бўлса, шулардан тўрт нафари математиклардир.

Тошмуҳаммад Алиевич дастлаб университетнинг физика-математика бўлимини тамомлади. Кейин аспирантура, кафедра ассистенти, ниҳоят, номзодлик диссертациясини ёқлади. Сўнг кафедра мудири бўлди. Урушдан қайтгач, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Уч марта университет ректори бўлиб ишлади.

1959-1971 йилларда Ўзбекистон Олий ва Ўрта таълим вазирлигини бошқарди. Бу даврда кўплаб олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтларида физика-математика, геометрия, астрономия ва бошқа аниқ фанларни ўқитиш ҳамда соҳада малакали илмий кадрлар етиштириш йўлида олиб борилган ташкилотчилик ишлари бевосита Тошмуҳаммад Алиевичнинг номлари билан боғлиқ.

Фанлар академиясининг вице-президенти, сўнг президенти, бир неча бор Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати, икки марта Ал Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби...

Аммо, шунча кўп илмий унвонлар, даражалар, лавозимлар, жамоат ва давлат ишлари бу жонкуяр, камтарин инсонни ҳеч қачон эсанкиратиб қўймади. Қачон кўрсангиз, каттами-кичикми, барчага бир хил муомалада бўлар, одамларга яхшилик қилишни ўз ҳаётининг қонуни деб билар, элим-юртим деб жон куйдириб ишларди. Ҳамиша ҳақиқат дарди билан, ҳақиқатга ташналик билан яшади. Зеро, қалби эзгулик дарди билан тўла эди унинг... Умри бўйи илм қилди, математикада янги кашфиётлар, янги назариялар яратди.

Саримсоқовнинг математикада эҳтимоллар назарияси, математик таҳлил, умумий топология ва уларнинг татбиқлари соҳасидаги илмий ишлари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур. У математикада бутунлай янги, истиқболли йўналиш — яриммайдонлар назариясини яратишга асос солган тенгсиз ижод соҳиби эди. Аммо олим бу билан чекланиб қолмади, ана шу яриммайдонлар назариясининг эҳтимоллар назариясига, функционал таҳлилга ва умумий топологияга татбиқлари ёрдамида олинган илмий якунлари, айниқса самарали натижалар берди. Ана шу илмий йўналиш асосида вужудга келган олимнинг функционал таҳлил мактаби кейинчалик ривож топди, кенгайди, янги-янги кашфиётлар, илмий натижалар берди. Энг муҳими, ўзбек олимининг математиканинг ана шу мураккаб муаммолари йўлидаги кашфиётлари илгари чет эллардаги машҳур олимларга маълум бўлган усуллардан чуқурроқ ва соддароқ эди.

Унинг ёшларга бўлган меҳрли эътибори, қатъий талабчанлиги ҳар доим, ҳар дақиқада сезилиб турарди. У ёшларга ҳамиша инсон дунёга келганда бирданига ақлли, донишманд бўлиб туғилмайди, доноликка ўқиш, илм асосларини эгаллаш билан эришади, шуни ёддан чиқармаслик лозимки, инсон ҳаётининг сўнгги бордур, аммо илмнинг охири йўқ. Дунё алломалари яратиб кетган илм-фан хазинасини ўқиб-ўрганишга инсоннинг умри етмайди. Илм олиш жуда машаққатли ва аччиқ, аммо унинг натижаси роҳат ва ширин-дир, — дер эдилар.

Суратда: академиклар (чапдан) Мақсуджон Салоҳиддинов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Тўхтамурод Жўраев.

Олимнинг математика мактабида олиб борилган тадқиқотларида классик эҳтимоллар назариясидаги ўлчовли функциялар алгебраси алоҳида ўрин тутади. Ана шу тадқиқотлар якуни сифатида олимнинг илм оламида машҳур бўлган «Алгебраларни тартибга солиш» асарини айтиб ўтиш лозим. Бу китоб ҳозирга қадар ёш математиклар учун дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда. Олимнинг математикага оид саккизта монографияси, «Ҳақиқий ўзгарувчининг функциялари назарияси», «Функционал таҳлил курси» дарсликлари ҳозирга қадар малакали математикларни етиштириш, тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошмуҳаммад Алиевич сермаҳсул олим, тадқиқотчи, устоз ва мураббий бўлиш билан бирга ўз илмий фаолиятини жамоат ҳамда давлат ишлари билан чамбарчас боғлай олган катта арбоб ҳам эди. Кўп йиллар Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлик қўмитасининг раиси бўлиб ишлади. Бир қанча хорижий мамлакатлардаги илмий-амалий анжуманлар ва йиғинларда фаол қатнашиб, маърузалар қилди, Ўзбекистонимиз олимлари номини ҳамма жойда муносиб шарафлади.

Биз Тошмуҳаммад Алиевични эл-юрт учун буюк хизматлар қилган тенгсиз олим, Ватан ва миллатимиз фидойиси дебгина эмас, балки инсон сифатида, инсон деганда ҳам қалби кенг, ҳақгўй, ниҳоятда камсуқум ва камтарин олим сифатида биламиз. Бобокалонларимиз демишларки, инсон зоти Аллоҳни ақл билан эмас, чин дилдан ҳис этмоғи даркор эрур, илло инсон деганлари шундай бўлади. Ҳа, у бугун мазмунли ҳаётини илм-фан йўлига тиккан, одамларга яхшилик ва фақат яхшилик қилиш учун туғилган Аллоҳнинг назари тушган инсон эди.

Етмишинчи йилларда олим билан у университетда ректор бўлиб ишлаган йиллари кўп мулоқотда бўлганман. «Ўзбекистон овози» газетасида «Олимлар лабораторияси» саҳифаси ташкил этганимизда Тошмуҳаммад Алиевични таҳририятга таклиф этдик. Шу баҳона таҳририят жамоаси билан ижодий учрашув ҳам ўтказганмиз. Ўшанда олим журналистларга кўп ҳаётий масалалар ҳақидаги, айниқса, унинг олимлик бурчи, одамийлик тўғрисида, математика илмининг асослари хусусидаги ўгитларини эшитганмиз. Ўша фикрлар ҳам газетада бир саҳифа бўлиб чиққан эди. Ундан битта мисол келтираман:

«Математика — фанларнинг сардори, инсон тафаккурининг камоли, десак хато бўлмас. Агар унга таъриф берадиган бўлсак, математика маданий-маърифий дунёнинг миқдорий муносабатлари ва фазовий шакллари ҳақидаги фандир. Математик сонларни белгиловчи символлар милоддан уч ярим минг йиллар илгари қадимги Миср ва Бобилда қўлланилган. Бу фан кўп илм соҳаларига йўлланма беради, физикадаги тенгламалар, статистика, астрономия, ҳатто мусиқада, шеириятда бу ноёб фаннинг йўналишлари бор. Математик олим, агар жоиз бўлса, ҳатто шеър ҳам битиши эҳтимолдан холи эмас. Сизлар журналист бўлганлигингиз учун шуни демоқчиманки, математикада сонларни ифодаловчи символлар, математик тушунчалар, жумладан, шартли белгилар, исботлар, таърифлаш усуллари гўё шоир шеърларининг сатрлари, бандлари, ғазал ҳижоларига ўхшаб кетади. Буни мақола ёзувчи, сиз, газетачилар билиб қўйсангизлар, чакки бўлмас. Чунки сизлар турли касб эгалари, мутахассислар, олимлар билан учрашиб турасизлар. Ахир, масаланинг моҳиятини билмасдан туриб бирор нарса ёзиш қийин-ку!».

Ўша учрашув ҳамон ёдимизда. Ўйлаб қарасак, ҳақиқатан ҳам журналистлар кўп қиррали, мушоҳадаси кенг, идрокли кишилар бўлиши керак. Айниқса, ҳозирги истиқлолимиз замонида аниқ фанларни, хусусан, иқтисодни билмасдан туриб, қўлга қалам олиб бўлмайди. Бу — ҳаёт талаби, замон амри.

Тошмуҳаммад Алиевич дунё кўрган, табаррук инсон эди. У ўзининг «Ҳаёт довонлари» деб аталмиш хотиралар китобининг муқаддимасини шундай шоирона сўзлар билан бошлаган:

«Айтайлик, сиз равон йўлдан юриб боряпсиз. Сўнг қияликларга, довонларга ва ниҳоят чўққиларга дуч келасиз. Бу ўз-ўзидан, осонликча бўлмайди, албатта. Не-не машаққатлар туфайли манзилга етасиз. Ўшанда ортингизга ўгирилиб, босиб ўтилган йўллар ҳақида ўйлаб қоласиз. Қувонч ва ташвишлар билан кечган йиллар... Беихтиёр ана шу йиллар ва йўллар хаёли сизни узоқ-узоқларга олиб кетади...»

Буюк олимнинг ҳаёт йўли ана шундай ҳам мураккаб, ҳам мазмунли. У бутун жаҳонни кезди. Осиё, Африка, Европа, Америка қитъаларидаги кўп давлатларда бўлди. Жаҳонни кезиб чиққан бўлса ҳам ўз азиз Ватани — Ўзбекистондек гўзал, муқаддас заминнинг меҳрли, оқибатли, содиқ фарзанди бўлиб қолаверди. Истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги арафасида «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган улуғ алломаларимиз ҳаёти, уларнинг мустақил Ўзбекистонимиз илм-фани, маърифати, маданияти ривожига қўшган тенгсиз хизматларини ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Уларнинг сермазмун ва машаққатли ҳаёт йўллари ёшлар учун ўрнак ва бениҳоя катта мактабдир. Ёшлар — бизнинг истиқлолимиз, келажагимиз экан, демак, улар биздан ҳам кучли, ақлли, донишманд бўлиб камол топмоқлари даркор эрур. Бу истиқлолимизнинг, Президентимизнинг шиори, матлаби.

■ Мақсуд ҚОРИЕВ

СУРАТЛАРДА АКС ЭТГАН КЎЗЛАР

Шу кунларда Брюссель марказида жойлашган Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) биносида ЕИК ходими, португалиялик фотоҳаваскор Жоаким Силвия Родригеснинг шахсий кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Ушбу кўргазма ягона — «Марказий Осиё назарлари» мавзуига умумлаштирилган бўлиб, 50 рангли фотосуратдан иборатдир.

ТАСИС дастури бўйича ишлаган Ж.Родригес ўзининг хизмат вазифасига кўра, Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё мамлакатларида кўплаб сафарларда бўлган. Унинг мазкур кўргазмаси айнан шу сафарлар давомида олиб борилган ижодий изланишлар самарасидир. Фотосуратлар шартли равишда тўртта мавзуга бўлинган: оқсоқоллар, аёллар ва болалар портретлари ҳамда умумий мавзу.

«Менинг севган мавзуим — Самарқанд, Бухоро ёки Нукус кўчаларида учратган инсонлардир. Уларнинг барчаси менинг чуқур ҳурматимга сазовор бўлган. Одамларни тасвирга олар эканман, уларнинг кўзларини, назар ва боқиш-ларини кўрсатишга ҳаракат қиламан, зеро улар инсон ички дунёсини акс эттирувчи кўзгудир. «Лаби ҳовуз» чойхонасида ўтирган бу оқсоқол суратига бир боқинг. Унинг кўзларидан донишмандлик нури таралаяпти. Ёки бўлмаса Тошкентдаги «Сайилгоҳ» кўчасида ғижжакда куйни ижро этаётган мана бу ўн икки яшар бола портретига қаранг. Нақадар чуқур маъноли кўзлар!», — деди Ж.Родригес эҳтиросини яширолмай.

Кўргазмадан, шунингдек, Орол муаммосига бағишланган суратлар ҳам кенг ўрин олган.

■ Жўра ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон»АА
Брюссель.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ИМКОНИЯТИ ҚАНДАЙ?

Пойтахтимизда илк бор ўтказилаётган Осиё чемпионати баҳслари қизғин паллага кирди. Мукофот жамғармаси 100 000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мусобақада қитъамизнинг ўн беш мамлакати теннисчилари иштирок этишяпти. Чемпионат низомига кўра, ғолиблар 2003 йил 13-26 январь кунлари Мельбурнда бўладиган «Улкан тож» туркумидаги Австралия очиқ чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Профессионал теннис ассоциацияси таснифи бўйича эркаклар ўртасида Парадорн Шричапхан (Таиланд), Хуюнг-Тайк Ли (Жанубий Корея), Такао Сузики (Япония)лар, аёллар ўртасида эса Айи Сугияма (Япония), Тамарина Танасугарн (Таиланд) ва ҳамюртимиз Ирода Тўлагановалар қитъамизнинг энг кучли ракеткачилари ҳисобланади. Аммо, турли сабаблар билан улар Тошкентдаги баҳсларга ташриф буюрмадилар. Тўғри, аёллар ўртасида япониялик Акино Маригами, Рика Фуживара, тайпейлик Су-вей Хисей сингари маҳоратли ракеткачилар билан тенгма-тенг курашиш Оқгул Омонмуродова, Иванна Исроилова, Наргиза Иброҳимова каби теннисчиларимиздан катта маҳорат талаб қилади. Эркаклар баҳсида эса юқоридаги кучли учлик қатнашмаслиги боис, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Олег Огородов мусобақанинг биринчи, Вадим Куценко эса иккинчи ракеткачиси сифатида кортга чиқади.

Мусобақанинг илк учрашувидаёқ теннисчимиз Дмитрий Мазурнинг қозоғистонлик Алексей Кедрюкка (3/6, 4/6) имкониятни бой берганлиги бошқа спортчиларимизни ҳам сергак торттирди. Шунингдек, қитъа чемпионатида кучсизлар бўлмаслиги яна бир карра исботланди.

— Ўзбекистон теннисчиларига ҳавасим келади, — деди А.Кедрюк. — Юртингизда теннисни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Гарчи, Осиё чемпионатида биринчи марта қатнашаётган бўлсамда, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида ўтган «Чэлленжер» халқаро турнирларида иштирок этганман. Ўзбекистон теннисчилари билан кортда илгари ҳам юзма-юз келганман. Самарқандда ўтган халқаро турнирда Дмитрий Мазурга ютқазгандим. Бу гал омадим чопди.

Қуръага кўра, Алексей Кедрюк иккинчи учрашувни мусобақанинг энг кучли иштирокчиси Олег Огородовга қарши ўтказди. Гарчи, ўйиннинг дастлабки сетида ҳамюртимиз ғалаба қозонган бўлса-да, қолганларида қозоғистонлик теннисчининг қўли устун келди — 2/6, 6/1, 6/2.

Эркаклар баҳсида бошқа бир вакилимиз — Дмитрий Томашевич ўйинни ғалаба билан бошлади. У тожикистонлик Сергей Макашинни мағлуб этди — 6/2, 6/2. Чемпионатнинг иккинчи ракеткаси Вадим Куценко илк учрашувни бугун биринчи босқичда хитойлик Хао Льюни ютган (6/4, 6/7 (4), 6/3) Диас Дўсқораев (Қозоғистон) билан ўтказади.

Аёллар мусобақасида барча вакилларимиз беллашувни кўтаринки руҳда бошлашганди. Аммо Елена Арутюнова, Елена Мамутовалар биринчи даврадаёқ ўзларига нисбатан тажрибали бўлган хитойлик Жингжинг Лио, фаластинлик Анна Патрисиа Сантосларга ютқазиб қўйдилар. Елена Рябцева, Наргиза Иброҳимова, Элинора Саиджамиловалар эса қуръага кўра, ўз ҳамюртлари А.Кокурина, А.Сорокотяга, К.Солодовниковаларга қарши кортга чиқиб, зафар қучдилар.

Кеча кортга чиққан теннисчиларимиз баҳсларни қуйидагича якунладилар: Оқгул Омонмуродова — Сония Мирза (Индонезия) — 6/1, 3/6, 4/6, Анна Шчупак — Вукирашин Савондари (Ҳиндистон) — 3/6, 0/6, Иванна Исроилова — Рика Фуживара (Япония) — 6/2, 6/4, Чин Бей Ху (Хитой) — Элинора Саиджамилова — 6/1, 6/2, Ван Зи Хи (Хитой) — Наргиза Иброҳимова — 6/0, 6/0.

■ Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ НАШР

«БУХОРО МАВЖЛАРИ» БОСМАДАН ЧИҚДИ

Истиқлолга юз тутган мамлакатимизда демократик жараёнларга, сўз ва матбуот эркинлигига, айниқса, оммавий-ахборот воситаларининг янги адабий-бадиий, ижтимоий-маърифий нашрларига кенг эътибор берилмоқда.

Бухорода Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг ташаббуси билан **«Бухоро мавжлари»** журналининг нишона сони ўқувчилар қўлига етди.

— Бу нашр, — деб ёзади Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов журнал таҳририятига йўллаган қутловида, — нафақат Ўзбекистонимиз, балки жаҳон минбарида ўз овозига эришиш имконига эга... Илоҳо, ушбу журналимизнинг ҳар бир сатрида бахтимиз салобати, гўзалликнинг турфа жилвалари ва энг муҳими, истиқлол ғоялари барқ уриб турғай...»

Журнал ана шундай эзгу ва улуғвор мақсадлар йўлига хизмат қилиши, халқимиз тафаккурини юксалтиришга, маънавиятимизни бойитишга хизмат қилиши шаксиз. Мавжларингдан кўзлар ва сўзлар яшнасин, «Бухоро мавжлари»!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 18,21,28 ноябрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Хўжакент» пансионати Низом жамғармасининг 20 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич баҳоси — 208 500 АҚШ доллари.

Шунингдек, ушбу аукцион савдоларига миллий валютага сотиладиган қуйидаги объект ҳам қўйилади:

Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Ҳ. Носиров жамоа хўжалиги, К. Ҳакимов кўчаси, 110-уйда жойлашган «Ризо» кичик корхонаси мулкий мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 8080,9 минг сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга кизикиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат килишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www. uzrkmb. com

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 йил 22, 29 ноябрь ҳамда 6, 13 декабрь кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

Сирғали тумани Ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Спутник даҳаси, 6-мавзе, 8-уйда жойлашган, майдони 441,83 кв. м. бўлган, собиқ 6-сонли тиш даволаш поликлиникасининг биноси.

Бошланғич баҳоси — 5 590 800 сўм ёки 8 040 АҚШ доллари.

Сирғали тумани Ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Чоштепа кўчаси, 213-уйда жойлашган, майдони 257 кв.м. бўлган, собиқ 11-сонли оилавий поликлиника шаҳобчаси биноси.

Бошланғич баҳоси — 5 122 700 сўм ёки 7 367 АҚШ доллари.

Савдолар соат 10.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш учун аризалар бир соат олдин тўхтатилади.

Савдолар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уйда бўлиб ўтади.

РКМБТФ шуни маълум қиладики, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2002 йил 5 октябрь № 125 (26.984) сонида чоп этилган рекламадаги «Тошнефтмаҳсулот» давлат унитар корхонасига қарашли, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Тошкент халқа йўлининг Сағбон-Охунбобоев қисми, 18-19 километрида жойлашган 106-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси савдодан олинди.

Газетанинг 2002 йил 1 октябрь № 123 (26.982) сонида чоп этилган РКМБТФнинг 27 сентябрдаги танлов савдосида сотилган боғча рақами 254 ўрнига 245 деб ўқилсин.

Ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари биржа савдолари ўтказилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Qo'chqor NORQOBIL

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 971

11205 nusxada bosildi

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA